



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG'OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

2021 -yil 20 - mart

833 u -son

Bog'ot shaharchasi

Фуқаро Ачиллов Рўзивоё
Хасановичнинг турар жой биносига
бўлган эгаллик ҳуқуқини белгилаб бериш
тўғрисида

Боғот тумани “Нурли маскан” маҳалласида яшовчи фуқаро Ачиллов Рўзивоё Хасановичнинг “Нурли маскан” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгаллик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 16 мартдаги ШЯ-А-1100-сонли аризасини, “Нурли маскан” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Хоразм вилояти бошқармасининг Боғот туман филиалининг 2021 йил 12 мартдаги 801-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Нурли маскан” маҳалласида жойлашган 10 (ўн)та хонадан иборат, яшаш хоналари 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 179,88 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 166,81 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 346,69 квадрат метр, қурилиш ости майдони 412,96 квадрат метр, умумий ер майдони 969,88 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Ачиллов Рўзивоё Хасановичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгаллик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Ачиллов Рўзивоё Хасановичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширилганда Ўзбекистон Республикаси

“Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Ачилов Рўзивой Хасановичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев